



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT SOLIQ Q'YMITASI XUZURIDAGI
KADASTR AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG'I**

**“Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаходатномасини бериш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш
ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 октябрдаги 610-сон “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг ҳисобини юритишда шаффофликни таъминлаш, шунингдек, кадастр соҳасидаги айрим маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Direktor

Тошкент ш.
2022 йил 06 декабрь,
14-2022-сон



Pulatov F. J.

Келишилди:

**Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси Раиси**

Тошкент ш.
2022 йил 29 ноябрь,

**Давлат активларини
бошқариш агентлиги
Директори**

Тошкент ш.
2022 йил 05 декабрь,



Vahabov D. A.

Ortikov A. J.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги
Кадастр агентлиги директорининг
2022 йил 6 декабрдаги
14-2022-сон буйруғига
ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 17 декабрдаги 11-сон “Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 3211, 2020 йил 17 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 й., 1-2-сон, 21-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2022 йил 10 августдаги 7-2022-сон “Кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисининг малака шаҳодатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 3211-1, 2022 йил 9 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.09.2022 й., 10/22/3211-1/0811-сон).